

Лойихани тўла номи:

Тошкент давлат техника университети (Авиация факультети) коинот соҳасида янги хамкорлик ўқув фани

Лойихани киска номи: NCR

Лойиха иштирокчилари:

Грандхолдер: Берлин техника университети (Германия)

Мувофиқлаштирувчи: ECM-Office/ Berlin, Germany

Хамкор: De Nayer instituut (Бельгия, Брюссель)

Ўзбекистон тарафидан консорциум иштирокчилари:

Мақсадли Олий таълим муассаса - Бенефициар: Тошкент давлат техника университетининг/ТошДТУ Авиация факультети (собик Тошкент давлат авиация институти/ТДАИ)

Хамкорлар:

Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
«В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ,
Ўзбекистон Республикаси ФА Коинот тадқиқоти институти.

Муддат: 2 йил (январь 2008 й.- декабрь 2009й.)

Лойиханинг мақсади ва вазифалари:

Мақсад:

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётини ривожлантириш борасида таълим тизимини таъсирини кучайтириш учун хамкорлар биргалигида Ўзбекистон Республикасининг олий таълимида янги ўқув дастурини яратиш ва жорий этиш.

Вазифалар:

- «Коинот техникаси» йўналиши кесимида янги касб бўйича тўрт йиллик

бакалавриатура дастурини хамкорликда яратиш ва тест синовидан ўтказиш.

- Янги касбга максадли йўналтирилган CAD/CAM/CAE фанининг модулини яратиш.
- Йўлдошсозлик лабораторияси ва кичик йўлдошларнинг назорати станциясини яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш.
- Касбга максадли йўналтирилган лойиха ва конструкторлик ишлари учун (CAD/CAM/CAE) компьютер марказини яратиш.
- Миллий (Ўзбекистон Республикаси) даражасида янги ўқув режаларини тан олиш (сертификация қилиш).
- Ўқитувчиларни малакасини қайта шакллантириш/ошириш ва икки тарафламали ўзаро ташрифлар ҳамда ахборотлар алмашувини ташкиллаштириш асосида хамкорликни ривожлантириш.
- Талабаларнинг қисқа муддатли ташрифларини ва таълим сифатини баҳолаш усуллари ҳамда солиштира бўладиган мезонлар асосида чет элда амалга оширилган ўқув даврларини ўзаро тан олиш.
- Кутиладиган натижалар (маҳсулотлар):
- ТошДТУда янги мутахассислик.
- Амаллиёт ва лаборатория ишларини ўтказиш учун янги ўқув дастурлар ва услубий тавсиялар.
- Ўқитишнинг янги қўникмалари ва тажрибалари.
- Таълим сифати ва ахборот алмашувини ташкил этилишининг таъминоти.
- Айрим фанларни ўзаро келишувчанлигини, билимларни баҳолашлик ва чет элда ўтказилган ўқув даврларини ўзаро тан олишликнинг таъминоти.
- Таълим тизимига европавий ёндошувларни жорий этиш.
- Ўқитувчи ва талабаларнинг ташриф харақтларини жадаллаштириш.
- Йўлдошсозлик бўйича янги ўқув лабораторияси ва кичик йўлдошларни назорати станцияси.
- CAD/CAM/CAE ёрдамида лойихалаш борасида касбга йўналтирилган янги ўқув маркази.

2008 йилнинг 30 сентябрига қадар бажарилган ишлар:

- «Коинот техникаси», «Йўлдошсозлик» ва CAD/CAM/CAE ёрдамида лойихалаш борасида касбга йўналтирилган модулли курслар кесимида янги ўқув режалари ишлаб чиқилди ва тегишли ўқув қўлламалар билан улар ТошДТУга тақдим этилди. Ўқув режалар ТошДТУ тарафидан тасдиқланди.
- ТошДТУнг Авиация факультетида «Йўлдошсозлик» ва «Кичик йўлдошлар назорати станцияси» янги ўқув лабораториялари ташкил этилди. Касбга йўналтирилган CAD/CAM/CAE синфини яратиш борасида жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.
- ТошДТУ Авиация факультетининг ўқитувчилари «Коинот техникаси» ва «Йўлдошсозлик» йўналишлар бўйича Берлин техника университетида (Германия) ҳамда CAD/CAM/CAE ёрдамида лойихалаш йўналишида DE NAYER Institut (Бельгия)да малака оширдилар.
- Талабалар пилот гуруҳининг иштирокчилари «Коинот техникаси» ва «Йўлдошсозлик» йўналишлар бўйича Берлин техника университети (Германия) ҳамда CAD/CAM/CAE ёрдамида лойихалаш йўналиши бўйича DE NAYER Institut (Бельгия)да максадли қисқа муддатли жадаллаштирилган тест-курсларида тайёргарлик қўришди.

- Учта халқаро ахборот анжуманлари ва еттита мувофиқлаштириш кенгашлари ўтказилди.
- Еттита нашр амалга оширилди. Лойиха режасига асосан мунтазам равишда натижаларнинг сифати, тургунлиги ва тарқатилиши назорати юзасидан тадбирлар амалга оширилди.

Келгуси босқич бўйича асосий фаолиятлар:

- 2008 йилнинг ноябрининг якунига қадар касбга йўналтирилган CAD/CAM/CAE синфининг жихозлари тўла ўрнатилди, соналанди ва текширилди. Синфда Бельгиянинг ўқувчилари иштирокида бир неча тақдимот семинарлари ўтказилди.
- 2008 йилнинг ноябрида Тошкентда лойиханинг биринчи йили натижалари бўйича халқаро ахборот-мувофиқлаштирув анжумани ўтказилди ва иккинчи йил режасига аниқликлар киритилди.
- 2009 йилнинг февраль ойига қадар лойиха ташки Эксперти бажарилган ишларнинг сифатини баҳолайди.
- 2009 йилнинг март ойидан ТошДТУ янги режалар ва модуллар асосида пилот ўқуви жараёни бошланади.
- 2009 йилнинг ноябрь ойига қадар янги ўқув режалар ва модулларни Миллий даражада сертификация этиш режалаштирилган.
- 2009 йилнинг тахминан апрель ва ноябрь ойларида лойиха кесимида халқаро ахборот-мувофиқлаштирув анжуманлари бўлиб ўтади.
- 2009 йилнинг декабрь ойига қадар 2010-2015 йиллар учун лойиха натижаларининг тургунлиги, тарқатиш ва ривожлантириш режаси ишлаб чиқилади.
- 2009 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ТошДТУ (Ўзбекистон), Берлин техника университети (Германия) ва DE NAYER Institut (Бельгия) орасида академик ҳамкорлик бўйича Меморандум имзоланган режалаштирилмоқда.